

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

«ФАЛСАФА ВА ФАН МЕТОДОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: Материя ҳаракати шаклларининг классификацияси
ҳаракат ва ривожланиш**

Бажарди: ЎзМУ фалсафа факультети
фалсафа йўналиши 1-курс талабаси
Ишмурзаев Комил
Текширди: Профессор А.Аюпов.

Тошкент 2012

Мундарижа:

Кириш.....	3-5
1. Материя ҳаракати ҳақидаги илк тасаввурлар.....	6-8
2. Ҳаракат ва ҳаракатсизлик тушунчалари.....	8-16
3.Материя ҳаракати шаклларининг классификацияси...	16-25
Хулоса.....	26
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	27-28

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Бизни куршаган дунёнинг муҳим хусусияти - Коинотда ва унинг барча таркибий қисмларида юз берадиган тинимсиз ўзгаришлардир. Ана шу ўзгаришларни туғри баҳолаш ва улар ҳақида туғри тасавур қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Табиатнинг ўзгарувчанлиги фалсафа пайдо бўлишидан анча олдин яхши маълум бўлган. Фалсафа вужудга келгач эса, масалаларнинг мазкур доираси алоҳида ўрганиш предметиға айланди ва вақт ўтиши билан унинг негизида фалсафий билимларнинг махсус бўлими - диалектика юзага келди. Унинг (яхлит таълимот сифатидаги) илдизлари қадимги юнон фалсафасига, хусусан «Ҳамма нарса оқиб, ўзгариб туради», «Айни бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди» каби машҳур иборалар муаллифи Гераклит ижодига бориб тақалади. Шундан бери объектив борлиқнинг турли-туман миқдор ва сифат ўзгаришларини ифодалаш учун «ҳаракат», «ривожланиш» материя категориялари қўлланилади. Ҳаракат ва ривожланиш уртасидаги ухшашлик ва фаркли жихатларни аниклаш бугунги фалсафий билимларда аҳамиятга молик муаммолардан бири дейиш мумкин .

Ўрганилганлик даражаси: Материя ва ҳаракат - онтологик категорияларини урганиш қадимги юнон фалсафасиданок файласуфларни кизиктирган муоммолардан бири бўлиб, кейинчалик Гёте, Шеллинг, Энгел, О.Контлар томонидан урганилди ва ушбу категориялар ҳақидаги янги билимлар тупланишга олиб келинди, Хусусан Шеллинг ўз олдига табиат ривожланишининг барча босқичларини олий мақсад сари йўналишда изчил юритиш, яъни табиатни онгни яратишдан иборат бўлган мақсадга мувофиқ яхлит тизим сифатида таҳлил қилиш вазифасини қўйган. Ф.Гегель томонидан тавсифланган материя даражалари эса у мутлақ ғоя деб номлаган «дунёвий рух» ижодий фаолиятининг ривожланиши ва ифодаси сифатида талқин қилинувчи эволюциянинг турли босқичлари билан боғланган. Ф.Гегель

механик ҳодисаларнинг кимёвий ҳодисаларга сўнгра органик ҳаёт ва амалиётга ўтиши тўғрисида сўз юритган.

Фалсафа тарихида ҳаракат ҳақидаги тасаввурлар. Ҳаракатни диалектик тушуниш куртакларига Гераклит асарларида ёки дуч келамиз. У оловни барча ўзгаришлар субстанцияси сифатида тавсифлаб, биринчи моддий асос доимо ўзи билан бирга, айнаи вақтда, доимий ўзгариш ҳолатида бўлиши ҳақидаги фикрни содда образли шаклда ифодалаган. Гераклит ҳаракатни миқдор жиҳатидан оддий жойдан-жойга кўчиш сифатида эмас, балки узлукли ва узлуксиз, барқарор ва ўзгарувчан нарса ва жараёнларнинг ўзаро нисбати нуқтаи назаридан тушунтиришга ҳаракат қилган. Антик даврдаёқ Гераклит, ундан кейин Эпикур ҳар қандай ҳаракат манбаини ички жараёнларнинг қарама-қаршилигидан топган.

Айни шу антик даврда тушунчалар мантиғида ҳаракат жараёнини мантиқий далиллар ёрдамида тушуниб етиш билан боғлиқ қийинчиликлар қадимги файласуф ва математик Зенонни машҳур апорияларни таърифлашига туртки берди. Апория - муҳокамалардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган ҳолат, мантиқий қийинчилик, муаммо. Зеноннинг «Ахилл ва тошбақа», «Учаётган камон ўқи» каби апориялари, ҳиссий тасаввурларга зид ўлароқ, ҳаракат материянинг атрибути эканлигига шубҳаланишга мажбур қилган. «Ахиллес ва тошбақа» апорияси мазмунига кўра, чопқир Ахиллес ҳайвонот оламининг энг уқувсиз югурувчиси тошбақани қувиб боради, деб фараз қилинади. Бундан Зенон Ахиллес ҳеч қачон тошбақага ета олмайди, деган мантиқий хулоса чиқаради. Зенон бу апориясида қуйидагича фикр юритади: «Бирор одам А нуқтадан В нуқтага бориши лозим бўлсин. У В нуқтага ета оладими?» Зенон бу саволга йўқ, деб жавоб қилади. Чунки А нуқтадан В нуқтага қараб йўл олган одам, аввало, шу масофанинг тенг ярмидан ўтиши зарур. Бу масофанинг тенг ярмига етиши учун эса, шу ярим масофанинг яна ярмини ўтиши зарур. Ярим масофанинг ярмига етиши учун эса, қолган масофанинг ярмидан ўтишига тўғри келади.

Хуллас, оралиқ масофа чексиз микдордаги ярим бўлақларга бўлиниб кетади. Чексиз ярим бўлақларни босиб ўтиш учун эса чексиз вақт лозим. Ҳеч ким чексиз вақт яшай олмайди. Шундай экан, ҳеч қачон у А нуқтадан В нуқтага етиб бора олмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳаракат жараёнини формал-мантикий тавсифлаш мушкуллигини кўрсатади.

Айрим файласуфлар Зенон апорияларини рад этиш учун сезги органларига суянганларида, бунда ҳам анча асосли эътирозлар топилган. Сезги ҳаракатни «кўриши» қадимги фалсафа вакиллари-элеатлар томонидан тан олинган, лекин ақл уни «тушуниш»ни хоҳлаши ва тушуна олмаслиги қайд ётилган. Ақл моҳиятни, сезгилар эса ҳодисалар ва кўз илғайдиган нарсаларни ўрганишини ҳисобга олсак, элеатлар мантиғига кўра, айнан моҳиятда ҳаракат мавжуд эмас. Зенон ҳаракатни зиддиятсиз тарзда тавсифлаш мумкин эмаслигини кўрсата олгани эътироф этилган. Бинобарин, ҳаракат қарама-қаршилик демакдир. Зенон апорияларининг алоҳида қиммати шундаки, улар амалда мавжуд қарама-қаршиликларни кўрсата олган. Балки, шунинг учун бўлса керак, кўплаб қадимги манбаларда Зенон диалектика асосчиси сифатида қайд этилади. Зеноннинг ўзи асарларини Пармениднинг «Ҳамма нарса бир» деган шиорини «Ҳамма нарса кўпдир» деган қарама-қарши ёндашувдан ҳимоя қилиш учун ёзганини таъкидлаган. Зенон кўпгина асарларининг дунёга келишига унинг баҳсга ўчлиги сабаб бўлганини айтишни хуш кўрган.

Ҳаракатни ўрганишнинг муҳимлигини барча файласуфлар теран англаган. Аристотель ҳаракатни билмаслик сабабларни билмасликка олиб келади, деб ҳисоблаган ва борлиқнинг турлари қанча бўлса, ҳаракат ва ўзгаришларнинг турлари ҳам шунча, деб қайд этган. Унинг фикрича, «Микдор учун кўпайиш ва камайиш, сифат учун — ўзгариш, макон учун — кўчиб юриш, моҳият учун - вужудга келиш ва йўқ бўлиш мавжуд»¹. Ҳаракатнинг вужудга келиш, йўқ бўлиш, ўзгариш, кўпайиш, камайиш, кўчиб юриш каби

¹ Аристотель Органон. -М.: 1990. -С. 159

турларини фарқлаш лозим. Аммо Аристотель жонсиз, пассив материя концепциясини ривожлантириб, пировард натижада, муайян биринчи ҳаракатлантиргич - ҳар қандай фаолликнинг негизи сифатидаги соф шакл ҳаракат манбаидир, деган хулосага келди. Бинобарин, ҳаракат материянинг атрибути эмас, балки унинг модуси, айрим хоссаси ва белгисидир; у фақат биринчи туртки воситасида берилади. Шунинг учун бўлса керак, фалсафий тафаккур ривожланишининг кейинги анча узоқ даври мобайнида ҳаракат материянинг атрибути сифатида қаралмади, балки унинг айрим ва қўшимча хоссаси ҳисобланди.

2. Ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг ўзаро нисбати.

Фалсафада ҳаракат нафақат турли жисмларнинг маконда механик силжиши сифатида, балки табиий жараёнлар ва ҳодисалар ҳолатларининг ҳар қандай ўзгариши сифатида ҳам тушунилади. Кенгайиб бораётган Метагалактика ҳам, ўзаро таъсирга киришаётган элементар зарралар ҳам, кўпаяётган, моддалар алмашинувини амалга ошираётган тирик ҳужайралар ҳам, ижтимоий жараёнлар ва ҳоказолар, шу жумладан фикрлаш фаолияти жараёнлари ҳам ҳаракатда бўлади.

Агар биз бирон-бир табиий объект ёки ҳодисани уларнинг табиий ҳолатида англаб етмоқчи бўлсак, «ҳаракат» тушунчасини четлаб ўтишимиз мумкин эмас. Бир қарашда, оддий онг нуқтаи назаридан бу нотўғри, зеро, Альп тоғлари ёки Миср эҳромларини кузатар эканмиз, биз улар абадий ҳаракатсизлик ҳолатида эканлигининг гувоҳи бўламиз. Аммо бу ҳаракатсизлик нисбийдир. Умуман олганда, бутун Коинот улкан айланма ҳаракат ҳолатида бўлиб, бу ерда бизнинг сайёрамиз Қуёш атрофида, у билан бирга - бизнинг галактикамиз маркази атрофида, у билан бирга эса - галактик система маркази атрофида айланадиган кичик бир заррадир.

Ҳаракатсизлик ҳолатидаги нарсалар структураси ҳам тинимсиз ўзгариш жараёнини бошдан кечиради, чунки узлуксиз ҳаракатда бўлган Элементар зарралардан ташкил топади. Температура ўзгаришлари, кимёвий таркиб

ўзгаришлари ва шу кабилар бундай ҳаракатнинг ташқи кўринишлари ҳисобланади. Шунингдек, атомлар ва молекулалар ҳам Коинотда юз берган эволюция жараёнлари маҳсулидир. Улар бизнинг Метагалактикамиз мавжудлигига замин ҳозирлаган Катта портлашдан кейингина вужудга келган. Бунинг устига ҳозирги замон географияси қитъалар бир-бирига нисбатан силжишини исботлади. Улар ажралган муз бўлаклари каби Ернинг қайноқ магмаси бўйлаб йилига бир неча сантиметр тезликда ҳаракатланади.

Шундай қилиб, ҳаракат абадий ва йўқ бўлмас, материядан ажралмас ва мутлақдир. Ҳаракатсизлик эса нисбий бўлиб, ўткинчи хусусиятга эга. Ҳаракат шунинг учун ҳам мутлақки, у умумий аҳамият касб этади ва (ҳаракатсизликдан фарқли ўлароқ) бирон-бир ташқи омилга боғлиқ бўлмайди. Оқилоналик нуқтаи назардан у боқийдир, чунки дунёда унинг боши ҳам, охири ҳам кўринмайди ва замирида камида икки куч - тортиш ва итариш ётувчи ҳар қандай борлиқнинг ўз-ўзидан ҳаракати сифатида амалга ошади.

Ўрта аср Шарқ мутафаккири Форобий фикрича, ҳаракат ва сукунатнинг ибтидоси, бирон-бир нарсага ёки иродага бориб тақалмаса, уни табиат деб аташ мумкин. Ҳаракат вақт билан белгиланган. Ҳаракат ибтидо ва интиҳо билан чегараланмаган². Ибн Сино фикрича ҳаракат вужуди мумкиннинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва осойишталик билан мавжуд бўлади. Ҳаракат бу ашёлар, воқеаларда содир бўладиган ўзгаришдир¹.

Уйғониш даври мутафаккирлари ҳар қандай борлиқ - оламдан тортиб майда заррагача - унга хос бўлган руҳ томонидан ҳаракатга келтирилади, деган фикрни илгари сурдилар. Улар панпсихизм - бутун оламни илоҳийлаштириш таълимотига асосландилар.

Янги давр механикаси мазкур ёндашув мутлақо асоссизлигини кўрсатди. Механика нуқтаи назаридан, бирон-бир жисмни ҳаракатга келтириш учун унга қандайдир ташқи куч таъсир кўрсатиши лозим. ХУП-ХУШ асрларда механиканинг жадал ривожланиши, у айрим номеханик

¹ Қаранг.Форобий //Фалсафа қомусий луғат. -Т.: Шарқ, 2005. -Б.431

ҳодисаларни (масалан, иссиқлик ҳодисалари, ҳаттоки, физиологик ҳодисаларни) тушунтиришда эришган ютуқлар шунга олиб келдики, ҳаракатга анча тор маънода механик ҳаракат, яъни маконда оддий кўчиб юриш сифатида қарала бошланди. Умуман олганда, метафизик ёндашувларнинг номукаммаллиги сўзнинг ўз маъносидаги ҳаракатни, унинг алоҳида тури - кўчиб юриш билан тенглаштириш; ҳаракатга атрибут эмас, балки модус сифатида қараш; биринчи турткининг зарурлигига ишонч билан боғлиқ эди.

Бундай ёндашувларнинг номукаммаллигини кўпгина мутафаккирлар тан олган. Масалан, инглиз файласуфи Жон Толанд (1670-1722) динни танқид қилар экан, ҳаракатни материя атрибути, деб ҳисоблайди. У «Мен ҳаракатни материянинг муҳим хоссаси, деб биламан. Бошқача айтганда, ўтказмаслик ва кўламлилиқ материя табиатига қандай хос ва у билан узвий бўлса, ҳаракат ҳам материя табиатига шундай хос ва у билан узвийдир. Бинобарин, ҳаракат материя таърифидан унинг таркибий қисми сифатида ўрин олиши лозим», деб ёзган. Ж.Толанд ҳаракатнинг барча шакллари механикага боғламаган, балки уни умумий ички фаоллик сифатида тушунган. Ҳаракатнинг атрибутлилигини француз файласуфи Дени Дидро (1713-1784) ҳам исботлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрига кўра, «Мутлақ ҳаракатсизлик табиатда мавжуд бўлмаган абстракт тушунчадир», «Ҳаракат материянинг узунлик, чуқурлик, кенглик каби ҳақиқий хоссасидир». Д.Дидро механицизмни, яъни ҳаракатни маконда кўчиб юришгагина боғлашни рад қилишга ҳаракат қилди. У табиат абадий ҳаракат ва ривожланишда бўлади, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, борлиқ бир шаклда ҳалок бўлади ва бошқа шаклда вужудга келади, материянинг фаоллигини ўз-ўзидан ҳаракат ғояси билан тушунтириш мумкин.

Ўз-ўзидан ҳаракат ғояси материянинг ички зиддиятлилиги, шунингдек, хилма-хиллиги билан белгиланади. Материя сон-саноксиз ҳар хил сифатли элементлардан ташкил топади. Уларнинг тўқнашуви ва ўзаро таъсири абадий ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишни тушунишга ёрдам беради.

Француз материалистлари асосий эътиборни ҳаракатнинг ички манбаига қаратиб, «ҳаракат» тушунчасининг энг мазмунли таърифини топишга ҳаракат қилдилар. П.Гольбах ҳаракат механизмини ёритар экан, унинг икки турини фарқлашни таклиф қилди. Биринчи — «жисмларнинг жойдан-жойга кўчишидан иборат бўлган массалар ҳаракати»; бундай ҳаракатни биз бевосита кузатишимиз мумкин. Масалан, биз тош қандай тушаётгани, шарнинг юмалаётгани, қўл ҳаракатланаётгани ёки ҳолатини ўзгартираётганини кўришимиз мумкин. Иккинчи — «муайян жисмга хос энергияларга, яъни моҳиятга, бу жисм ташкил топган материянинг кўринмас молекулалари уйғунлиги, таъсири ва қарши таъсирига боғлиқ бўлган ички ва яширин ҳаракат». Ҳаракатни у «муайян жисм ўз ўрнини ўзгартириши ёки ўзгартиришга уринишига ёрдам берувчи куч»¹, деб таърифлади.

Ривожланиш. Жонсиз табиатда ривожланишга юлдузларда юз бераётган эволюция жараёнлари; жонли табиатда - турли организмларнинг ўсиши; жамиятда - фан, техника, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши ва шу кабилар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. «Ривожланиш» тушунчаси нафақат моддий, балки идеал дунёга, хусусан, инсон тафаккурига нисбатан, масалан, умуман онгнинг ёки айрим фикр, ғоя, назариянинг ривожланиши тўғрисида сўз юритилган ҳолда, қўлланилиши мумкин. Фикрнинг ривожланиши унинг «пишиб етилиши»ни, яъни мураккаблашуви, такомиллашуви, янада аниқроқ маъно касб этиши ва шу кабиларни англатади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, нарсалар ва ҳодисаларнинг объектив дунёсидан фарқли ўлароқ, субъектив конструкциялар (тафаккур, ғоялар, назариялар) ҳаракати ва ривожланишига нисбатан кўлам кўрсаткичлари татбиқ этилиши мумкин эмас. Айни вақтда идеал нарсалар ва ҳодисалар даражасида ривожланиш жараёнлари, худди моддий нарсалар дунёсидаги каби вақтда кечади.

Ҳозирги замон фалсафасида «ҳаракат» тушунчаси. «Кенг» маънода

¹ Гольбах //Всемирная энциклопедия.. -М.: Современный литератор,, 2001. -С. 246.

умуман ҳар қандай ўзгариш ҳақидаги тасаввур сифатида талқин қилинади. Ҳаракатни умуман ўзгариш сифатида тушуниш ҳаракат турларининг бутун ранг-баранглигини унинг муайян бир турига боғлаш тўғри эмаслиги ҳақида огоҳлантиради ва ҳаракат шаклларининг умумий хусусияти ва бир-бирига айланиш қобилиятига ишора қилади. «Умуман ўзгариш» деганда, бизнинг улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиздан қатъий назар, объектив мавжуд бўлган барча ўзгаришлар, турли жараёнлар назарда тутилади.

Ўз-ўзидан ҳаракат ё бутун табиатга, ё унинг юксак даражада уюшган таркибий қисми - тирик организм ва жамиятга хос хусусиятдир. Қотиб қолган материяга мансуб айрим нарса ёки объектга нисбатан ўз-ўзидан ҳаракат, ўз-ўзидан ривожланиш ҳолати хос деб айтиш ўринли эмас. Чунки, ушбу объектни муайян элемент сифатида ўз ичига олган табиат ўз-ўзидан ривожланувчи яхлит тизим ҳисобланади.

Ўз-ўзидан ҳаракат бирон-бир нарсанинг унга ичдан (имманент тарзда) хос бўлган омиллар таъсирида ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини ифодаловчи категория сифатида амал қилади. «Ўз-ўзидан ҳаракат» тушунчаси бутун борликнинг субстанционал негизи сифатидаги материя ҳаракат ва ўзгариш жараёни юз бераётганида ўз фаоллигининг пировард сабаби сифатида амал қилади. Ўз-ўзидан ҳаракат шакли сифатидаги фаоллик сиртдан олиб кирилган ташқи куч сифатида тушунилмаслиги керак. Шу муносабат билан: Бу қандай юз бериши мумкин?», деган савол яхши ривожланмаган, нодиалектик тафаккур учун анча мушкул масала ҳисобланади. Шаклланиш жараёнини қадимги машҳур «*panta rei*» - «ҳамма нарса оқади» таърифида ифодалаган Гераклит анъанасига, шунингдек, немис файласуфи Ф.Гегелга хос етук методологияга кўра, ўз-ўзидан ҳаракатнинг манбаи зиддият ҳисобланади. Бунда зиддият нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг қарама-қарши тенденциялари ҳамда томонларини тақозо этувчи, назарда тутувчи, айтилиш вақтда, инкор этувчи ўзаро таъсир сифатида тушунилади.

Ўз-ўзидан ҳаракат табиатшунослик ва фалсафанинг энг қадимги ғояси

ҳисобланади. Унинг юзага келиши борлиқ ҳаракатининг сабабини тушунтириш, ўз-ўзидан юз бераётган доимий умумий ўзгаришни тан олиш асосида бутун оламдаги ўзгариш жараёнларининг манбаини аниқлашга уринишлар билан боғлиқ. Антик фалсафада барча жисмларга хос бўлган, четдан аралашувсиз юз берадиган табиий ҳаракатни белгиловчи интилиш тўғрисида атрофлича сўз юритилган. Дунё замирида материя билан узвий боғлиқ бўлган қандайдир интилиш, қандайдир ҳақиқий, лекин ғайритабиий куч ётади ва унинг ўз-ўзидан ҳаракатига туртки беради, деб қаралган. Айни вақтда, ўз-ўзидан ҳаракат ғояси барча файласуфлар томонидан яқдиллик билан қабул қилинмаганини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Пармениднинг: «Борлиқ мавжуд, йўқлик мавжуд эмас», деган машҳур тезиси барқарорлик, ўзгармаслик, муайянликнинг мутлақлигини тан олишни англатган. Бошқача айтганда, бунда ўзининг бошқа ҳолатига айланиш сифатидаги ўз-ўзидан ҳаракат ғоясига ўрин йўқ бўлган дунё тан олинган. Кейинроқ таърифланган неоплатоник Проклнинг тезиси унинг муқобили сифатида амал қилган. Прокл ҳаракат, ўз-ўзидан ҳаракат ва ҳаракатсизликни фарқлашни таклиф қилди. У Мавжуд ҳамма нарсалар ё ҳаракатсиз, ё ҳаракатдадир, - деган. - Агар нарса ҳаракатда бўлса, у ўзи билан ўзи ёки бошқа нарса билан ҳаракатдадир. Агар у ўзи билан ўзи ҳаракатда бўлса, ўз-ўзидан ҳаракатда, бошқа нарса билан ҳаракатда бўлса - бошқача ҳаракатдадир. Бинобарин, ҳамма нарсалар ҳаракатсиз, ё ўз-ўзидан ҳаракатда, ё бошқача ҳаракатда бўлади»¹.

Шундай қилиб, ўз-ўзидан ҳаракат ғояси дунёни тушуниш концепциялари майдонида бир неча муқобил ёндашувлар билан бирга амал қилади. Бутун борлиқнинг тўхтовсиз ҳаракати ҳақидаги тезис ўз-ўзидан ҳаракат ғоясининг «шерик-рақиблари»дир. «Қарама-қаршиликлар бирлиги» сифатидаги ривожланишдан фарқли ўлароқ, ривожланишга «камайтиш ва кўпайтиш сифатида, такрорланиш сифатида» қаровчи ёндашув иккинчи муқобилга айланди. Биринчи муқобил метафизик, иккинчиси — диалектик

¹ Прокл. //Всемирная энциклопедия. —М:Современный литератор, 2001.-С.836.

концепция деб номланди ва у мутлақлаштирилади. Собиқ совет даври фалсафасида бундай мутлақлаштириш қуйидагича изоҳланган: «Ҳаракатнинг биринчи концепциясида ўз-ўзидан ҳаракат, унинг ҳаракатлантирувчи кучи, манбаи ва сабаби панада қолади. Иккинчи концепцияда асосий эътибор айнан «ўз-ўзи»дан ҳаракат манбаини билишга қаратилади. Биринчи концепция жонсиз, бўш, юзаки. Иккинчиси — ҳаётий. Фақат иккинчи концепция «бутун борлик»нинг ўз-ўзидан ҳаракатини тушуниб етиш, «сакрашлар», тадрижийликнинг узилиши», «қарама-қаршиликка айланиш», «эскининг йўқ бўлиши ва янгининг вужудга келиши» моҳиятини англаш имконини беради»¹. Аслида бу қарашларни фалсафий тафаккур ривожига қўлга киритилган ёндашувлар сифатида тушуниш маъқул.

Ҳаракатнинг умумийлиги, универсаллиги ва атрибутлилигини тан олиш бошқа бир савол туғилишига сабаб бўлади. Ҳаракат жараёнини қандай қамраб олиш, уни тушунчалар мантиғида қандай ифодалаш ва тавсифлаш мумкин? Ҳаракатни тушунчалар воситасида, назарий акс эттиришда ҳаракат жараёнининг узлуксизлигини ифодалаш асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Билиш тарихи ҳаракатни умумий тушунчаларда уни тўхтатмайдиган, қўполлаштирмайдиган тарзда ифодалаш вазифаси нақадар оғир эканлигини кўрсатади. Жисм бир жойда туради ва сўнгра бошқа жойга кўчади, деб айтиш жисмнинг ўрнини шунчаки қайд этиш, демакдир. У ҳаракатланаётган пайтда биринчи жойда бошқа турмайди, лекин иккинчи жойга ҳам ҳали етиб келмаган бўлади; агар жисм шу икки жойдан бирида турган бўлса, у ҳаракатсиз ҳолатда бўлади. Жисм икки жой ўртасида, деб айтиш ҳеч нарса демаслик билан баробардир, чунки бу ҳолда у яна бир жойда бўлади; демак, айна ҳолда юқорида зикр этилган қийинчилик туғилади.

Ҳаракатланиш шу жойда бўлишни ва айна вақтда, унда бўлмасликни англатади; бу макон ва замоннинг узлуксизлигидир, айнан у ҳаракатни юзага келтиради». Ҳаракатнинг узлуксизлиги унинг умумийлигини намоён этади,

¹ Чумаков А.Н. Буччило Е. Философия. -М.: Современный литератор, 2007.-С.54

узлуксизлик унинг алоҳида жиҳатини кўрсатади. Ҳаракатдаги умумийлик унинг моҳиятини акс эттиради, бинобарин, ҳаракатни тушуниш ва таърифлаш, унинг моҳиятини англаб етиш учун ҳаракатнинг узлуксизлигини тушунмоқ даркор.

Ҳаракатнинг бир қарашда ғайриоддий туюлувчи ва айни вақтда унинг узлуксизлигини акс эттиришга уриниш кузатиловчи «муайян жойда бўлиш ва айни вақтда унда бўлмаслик», деган таърифини янги замон диалектикаси асосчиси Ф.Гегель ўзига хос тарзда қуйидагича ифодалаган: «Муайян нарса ҳозир шу ерда» бўлгани учун эмас, балки бошқа «ҳозир у ерда» бўлгани учун ҳаракатланади, модомики, у айни бир «ҳозир» шу ерда ва шу ерда эмас экан, у шу ерда» ҳам мавжуд, ҳам мавжуд эмасдир»¹. Ҳаракатнинг таърифини топиш йўлидаги изланишлар билан боғлиқ қийинчиликлар ҳаракатни жонсизлантормасдан ва қўполлаштирмасдан тушунчалар мантикида ифодалаш нақадар мушкул эканини яна бир қарра тасдиқлайди.

Классик метафизиклар ҳаракат деганда, жисмнинг шу вақтда шу жойда, бошқа вақтда бошқа жойда бўлишини тушунади. Бундай ёндашувларнинг нотўғрилиги шундаки, улар ҳаракатнинг ўзини эмас, балки унинг натижасини тавсифлайди; улар ҳаракат имкониятини кўрсатмайди ва ўзида бундай имкониятга эга ҳам бўлмайди; ҳаракатни ҳаракатсизлик ҳолатлари йиғиндиси, уларнинг боғланиши сифатида тасвирлайди, ҳаракатнинг зиддияти яширин, эътибордан четда, панада қолади ёки унутилади.

Диалектика тарафдорлари ҳаракатнинг зиддиятли эканлигини яқдиллик билан тан олади. Бунда айрим диалектиклар асосий зиддиятни вужудга келиш ва йўқ бўлишда кўрса, айримлар макон ва замоннинг қарама-қаршилигида, макон жиҳатини акс эттирувчи «ўриннинг ўзгариши»да ҳамда вақт кўрсаткичларини тавсифловчи «ҳолатнинг ўзгариши»да кўради. Айрим диалектиклар эса, ҳаракатнинг асосий зиддияти сифатида унинг узлуксизлиги-узлукчилигини қайд этади. Баъзан ҳаракатнинг асосий зиддияти

¹ Ф.Гегель // Всемирная энциклопедия. М. Современный литератор, 2001. -С.207.

сифатида барқарорлик ва ўзгарувчанлик жараёнлари кўрсатилади. Аммо бунда ҳаракатнинг, ўзгаришнинг мутлақлигини тан олиш объектлар ёки жараёнларнинг абадий ўзгармаслиги сифатидаги мутлақ ҳаракатсизлик ҳолатини тўла истисно этишини, лекин муқаррар тарзда ҳаракатнинг ташқи қарама-қаршилиги эмас, балки унинг ички зиддиятли моҳиятининг ифодаси ҳисобланувчи нисбий ҳаракатсизлик ҳолатини назарда тутишини тушуниш муҳимдир. Мутлақ ҳаракатсизлик, абадий мувозанат ва сокинлик ҳеч қаерда йўқ. Ҳар қандай ҳаракатсизлик, мувозанат нисбийдир, чунки улар ҳаракатнинг муайян ҳолатлари ҳисобланади. Зиддиятни олиб исбот қилишда, яъни муайян жисм мутлақ ҳаракатсизлик ҳолатида деб фараз қилишда мазкур жисм бу ҳолда ҳеч нарса билан ўзаро таъсирга киришмаслиги, унда ҳеч қандай ички ва ташқи ўзгаришлар юз бермаслиги, у ўзини ҳеч қандай тарзда намоён ётмаслиги, бинобарин, бундай жисм амалда йўқлигини тан олиш керак. Бу нол («0») ҳолатини мутлақлаштириш демакдир. Диалектика эса нолни тан олмайди. Барқарор жисмлар сифатида намоён бўлувчи барча моддий объектларда муқаррар тарзда зарралар, атомлар ва молекулалар ҳаракати юз беради. Ҳар бир объект ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро таъсирга киришади, бу ўзаро таъсир эса муайян турдаги ҳаракатни ўз ичига олади. Ерга нисбатан ҳаракатсиз ҳолатдаги ҳар қандай жисм у билан бирга Қуёш атрофида, Қуёш билан бирга Галактиканинг бошқа юлдузларига нисбатан ҳаракатланади. Галактика ҳам бошқа юлдузлар системаларига нисбатан ҳаракатда бўлади ва ўзгаради.

Ҳаракатсизликни ҳаракатдан ташқаридаги эмас, балки унинг ўзидаги нисбий мувозанат ҳолати сифатида тушуниш лозим. Нисбий ҳаракатсизлик нафақат ҳаракатни истисно этади, балки, аксинча, унинг муайян ҳолати ҳисобланади.

Ҳаракатсизлик ва ҳаракатнинг қарама-қаршилиги илгари «нарсалар» ва «жараёнлар»ни кескин қарама-қарши қўйишда ифодаланган. Микродунё соҳасидаги билимлар ривожланиши билан бу метафизик қарама-қарши қўйиш

ўз маъносини йўқотди. Нарса сифатида микрообъект олинган бўлса, бунда шу нарса ва жараённинг бирлиги, яққол кўринади. Микрообъектнинг корпускуляр ва тўлқин хоссалари бир вақтнинг ўзида ҳам нарса, ҳам жараён сифатида амал қилишини тасдиқлайди. Шу сабабли «воқеа» тушунчаси нисбийлик назариясида фундаментал тушунчага айланган.

3. Ҳаракат шакллари таснифлашда қайси тамойилларга риоя қилинишига қараб бундай шаклларнинг ҳар хил миқдори фарқланади. XIX асрнинг саксонинчи йилларида материя ташкил топишининг турли даражаларига асосланиб, материя ҳаракатининг беш асосий шакли: механик, физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий ҳаракатни қайд этган.

- механик ҳаракат - турли жисмларнинг маконда бир жойдан бошқа жойга кўчиши: майда зарралар ҳаракати, катта жисмлар, шу жумладан космик объектлар ҳаракати, материя ҳаракатининг механик шакли бошқа ҳар қандай шаклга кирувчи энг содда шакл сифатида намоён бўлади;

- физик ҳаракат - электромагнетизм, гравитация, иссиқлик, ёруғлик, овоз, моддалар агрегат ҳолатининг ўзгаришини, физика ўрганувчи иссиқлик, ёруғлик, электр кучини қамраб олади;

- кимёвий ҳаракат - ноорганик ва органик табиатдаги турли кимёвий реакцияларни, кимёвий синтез жараёнларини ўз ичига олади;

- биологик ҳаракат - жонли организмларда юз берувчи ранг-баранг биологик жараёнлар; - органик ҳаётни қамраб олади. Улар табиат соҳасидаги асосий шакллар ҳисобланади. Улардан юқорида янада олийроқ соҳа - ижтимоий-тарихий жараён мавжуд;

- ижтимоий ҳаракат — ижтимоий ўзгаришларни, шунингдек фикрлаш жараёнларини қамраб олади.

Ҳаракатнинг ҳар бир шакли нисбатан мустақил бўлса-да, уларнинг барчаси бир-бири билан боғлиқ. Ҳаракатнинг мураккаброқ шакли ўзидан олдинги соддароқ шакллар негизида вужудга келади, уларнинг синтези ҳисобланади, лекин уларнинг оддий йиғиндисидан иборат бўлмайди.

Масалан, ҳаракатнинг биологик шакли ҳаракатнинг соддароқ физик-кимёвий шакллари негизида вужудга келади, уларни ўзининг шарти сифатида ўз ичига олади ва ҳаракатнинг олдинги шакллари билан таққослаганда унинг бутунлай янги шакли ҳисобланади. Худди шунингдек ҳаракатнинг ижтимоий шакли — кишилиқ жамиятининг вужудга келиши ва ривожланиши ҳам ҳаракатнинг биологик ва ўзидан олдинги бошқа барча шакллари ўзининг шарти сифатида ўз ичига олади, лекин уларнинг йиғиндиси эмас, балки ҳаракатнинг бутунлай янги шакли ҳисобланади.

Ҳаракат шакллари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўғри тушуниш мураккаб объектлар ва жараёнларни илмий билиш учун улкан аҳамият касб этади. Кўрсатилган муносабатлар материя ҳаракати турли шаклларининг ўзаро таъсири билан тавсифланади. Материя ҳаракати асосий шаклларининг келтирилган таснифи фан табиат ривожланишининг теран боғланишларини эндигина аниқлай бошлаган XIX асрнинг саксонинчи йилларида яратилган эди. Ўша даврда ҳали кўп нарса номаълум, кўп нарсаларни аниқлаш лозим эди.

Фан ривожланишининг ҳозирги тенденцияларини келажакка нисбатан татбиқ этиб, инсоният борлиқнинг янги шакллари ва ҳаракатнинг юқорида зикр этилганидан ўзгача усулларини кашф этишини анча ишонч билан тахмин қилиш мумкин. Айни ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай схемалаштириш, ҳаракатнинг у ёки бу шакллари, типлари, усулларини фарқлаш доим тўлиқ бўлмайди ва борлиқни билишда эришилган даражанигина акс эттиради. Бундай схемаларни мутлақлаштириш ярамайди. Зеро улар билишнинг муайян мақсадларига хизмат қилади. Бинобарин, улар муттасил ривожланиши, уларга аниқлик киритилиши, такомиллаштирилиши лозим.

Фан ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳаракат шаклларининг юқорида келтирилган таснифи тўлдириш ва аниқлик киритишни талаб қилади. Кимё, физика, биологиянинг ривожланиши, комплекс фанларнинг пайдо

бўлиши материя ҳаракати шакллари ранг-баранглигининг ягона талқини тўғрисида сўз юритиш имконини бермайди. Шу сабабли янги таснифлар пайдо бўлади. Масалан, информацион-кибернетик ҳаракат, астрономик ҳаракат, галактика доирасидаги ҳаракат, галактикалар ўртасидаги ҳаракат тилга олинади. Материя ҳаракати муаммоларини ёритишда фалсафанинг асосий вазифалари шулардан иборат.

Ҳаракатнинг шакллари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда ҳар бир кейинги ҳаракат ўзидан олдинги ҳаракатдан келиб чиқади, унга асосланади, бироқ, шунга қарамай, қуйи шакл билан боғланмайди. Ҳаракатнинг мураккаб шакллари соддароқ шаклларга бундай боғлашга уринишлар фалсафа тарихида «механицизм», «редукционизм» (лот. *гедисйо* — ортга суриш) деган ном олган, ҳаракат ижтимоий шакллари биологик шакллар даражасигача соддалаштириш биологизаторлик концепцияларида мавжуд.

Дунё, унинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги ҳозирги тасаввурлар нуқтаи назаридан кўрсатилган шакллар ҳаракатнинг мавжуд ва тахмин қилинган усуллариининг бутун ранг-баранглигини акс эттирмайди. Хусусан, элементар зарраларнинг ўзгариш жараёнлари, XIX асрда номаълум бўлган микро- ва макродунё даражасидаги бошқа ўзгаришлар материя ҳаракати механик, физик ва кимёвий шакллариининг ўзаро нисбатига доир масалани энди янгидан қўймоқда. Бу ерда механик шакл энди барча физик жараёнлар негизи сифатида қаралмайди. Эндиликда биологик ҳаракат ҳам бошқача тушунилмоқда: унинг элементар зарралари, илгари тахмин қилинганидек, оксилли молекулалар эмас, балки XX асрда кашф этилган ДНК ва РНК ҳисобланади. Айрим олимлар ер пўсти ҳамда Ер остида юз бераётган жараёнлар ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга асосланиб ҳаракатнинг геологик шаклини фарқламоқдалар.

Материя ҳаракатининг геологик шакли мавжудлиги ҳақидаги тахминни қабул қилсак, материянинг мазкур шакли механик, физик ва кимёвий ўзаро

таъсирларни ўз ичига олган дастлабки синтез сифатида амал қилади. Бу қадимги "хаос" категориясида ўз аксини топади. Мазкур категория нафақат тартибга солинмаганлик ва тартибсизлик далили сифатида, балки стихияли шаклланиш тамойили сифатида ҳам талқин қилинади. Бу ҳолда органик дунё вужудга келишидан олдинги табиат механик, физик ва кимёвий жараёнларнинг олға қараб ривожланишидан эмас, балки уларнинг умумий, дифференциаланмаган ўзаро таъсиридан ташкил топади. Айни пайтда бунда геологик ва географик омиллар Ерда ҳаёт вужудга келиши учун тарихий шарт-шароит яратган, деб таъкидлаш лозим бўлади.

Материя ҳаракатининг асосий, хусусий ва комплекс шакллари ҳам мавжуд. Айрим муаллифлар материя ҳаракатининг ягона физик шакли мавжудлигига шубҳа билдиради. Аммо бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Барча физик объектлар икки энг умумий физик хосса — масса ва энергияга эга бўлади. Физик нарсалар дунёсига кенг қамровли умумий энергиянинг сақланиш қонуни хосдир.

Материя ҳаракатининг хусусий шакллари асосий шакллар таркибига киради. Масалан, физик материя бўшлиқ, майдонлар, элементар зарралар, ядролар, атомлар, молекулалар, макрожисмлар, юлдузлар, галактикалар, метагалактикани ўз ичига олади.

Материя ҳаракатининг комплекс шаклларида астрономик (метагалактика - галактика - юлдузлар - сайёралар), геологик (планетар жисм шароитидаги материя ҳаракатининг физик ва кимёвий шаклларида иборат), географик (литосфера, гидросфера ва атмосфера доирасидаги материя ҳаракатининг физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий шакллари ўз ичига олади) шакллар киради.

Материя ҳаракати комплекс шаклларидаги муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, уларда пировард натижада материянинг қуйи шакли - физик материя етакчилик қилади; геологик жараёнлар физик кучлар, чунончи, гравитация, босим, иссиқлик билан тавсифланади. Географик қонунлар физик

ва кимёвий шартлар ҳамда Ер юқори қатламларининг ўзаро нисбатлари билан белгиланади.

Ҳозирги замон олимлари материя ҳаракатининг техник, кибернетик ва информатсион шакллари тўғрисида сўз юритмоқдалар. Бу масалалар кўп жиҳатдан баҳслидир. Аммо шу нарса шубҳасизки, объектив борлиқни янада чуқурроқ ўрганиш нафақат мавжуд таснифларнинг такомиллашувига, балки материя ҳаракатининг янги шакллари тўғрисидаги ғоялар ва назариялар пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Зеро, ҳар бир шакл бутун олам универсал ривожланиш жараёнининг имкониятларидан бирини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Ҳозирги замон методологияси нуқтаи назаридан материя ҳаракат шакллариининг оддий чизиқли жойлашуви тўғри эмас. У ҳар бир бўғинда ҳеч бўлмаса иккига — ривожланишнинг асосий ва иккинчи даражали тармоқларига бўлиниши зарур. Биринчи — асосий тармоқ ривожланиш жараёнини келажакда мазкур сифат босқичи доирасидан ташқарига олиб чиқувчи шакллар вужудга келишидан далолат беради. Иккинчи тармоқ мавжуд ҳаракат шаклининг ривожланиш имкониятларини кўрсатади. Масалан, кимёвий бирикмалар органик ва ноорганик бирикмаларга ажрала бошлайди. Мазкур дивергенцияда (иккига бўлинишда) биринчи - органик шакл имкониятли шакл сифатида ривожланиш жараёнини материя ҳаракатининг янги шакли — биологик шаклга олиб келади, имкониятсиз тармоқ ҳисобланган иккинчи шакл биз яшаётган замин, унинг қобиғ ва юзасини тавсифлайди. Материя ҳаракатининг биологик шакли даражасида ўсимликларнинг қуйидан олийга ривожланиши имкониятсиз тармоқ сифатида қаралиши мумкин, чунки бу ривожланиш жараёни ўз табиати чегараларидан четга чиқишигача олиб келмайди. Ҳайвонларнинг ривожланиши сифат жиҳатидан янги объект — инсон пайдо бўлгунгача давом этади. Бу материя ҳаракатининг сифат жиҳатидан бошқа шакли вужудга келганидан далолат беради. Материя ҳаракатининг ҳар бир шаклида макро ва микродаражаларни

фарқлаш, шунингдек, умумий ҳамда хусусий қонуниятларни билиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳаракат типлари. Фанда объектив борлиқ нарсалари ва ҳодисалари ҳаракатининг икки асосий типии: прогресс ва регресс фарқланади. Уларнинг бири материя, энергия, ахборотнинг маконда силжиши билан боғлиқ бўлиб, ҳаракатланувчи нарсалар ўз муҳим хоссаларини ўзгартирмаслиги, яъни ўз сифатини йўқотмаслиги билан тавсифланади. Булар миқдор ўзгаришлари, макондаги кўчишлар ёки ўрин алмашувидир. Бунга юриб кетаётган одам, қоронғи осмон фонида прожектор нурунинг ҳаракати ва ҳатто ҳаёлда айрим объектлардан бошқа объектларга ўтиш мисол бўлиши мумкин. Сўнгги зикр этилган ҳолда фикрнинг муайян (масалан, формал мантиқ нуқтаи назардан тўғри ёки нотўғри) йўналишдаги ҳаракати тўғрисида сўз юритилади.

Аммо ҳаракатнинг қайд этилган типии дунёда юз бераётган ўзгаришларнинг бутун ранг-баранглигини қамраб олмайди. Аксарият ҳолларда улар нарсаларнинг ички структурасидаги қайта қуриш билан бирга кечадики, бу дастлабки нарса сифатларининг ўзгариши ва у бутунлай бошқа нарсага айланишига сабаб бўлади.

Орқага қайтмаслик ва муайян йўналишга эгалик хос бўлган мазкур ҳаракат типии ривожланиш деб аталади. Бунда нарса ёки ҳодиса структурасининг мураккаблашуви, улар ташкил топиш даражасининг юксалиши юз бериши мумкин бўлиб, бу одатда таракқиёт (прогресс) сифатида тавсифланади.

Агар ҳаракат тескари йўналишда - баркамолроқ ва ривожланганроқ шакллардан унча ривожланмаган шаклларга, мураккабдан оддийга қараб юз бераётган бўлса, бу ҳолда регресс тўғрисида сўз юритиш одат тусини олган. Аммо прогресс ва регресснинг кўрсатилган хусусиятларини мутлақлаштириш ярамаслигини эътиборга олиш лозим. Масалан, бошқарув аппарати тузилмасининг мураккаблашуви ва бюрократиянинг ўсиши доим ҳам прогрессни англатавермайди, нисбатан соддароқ ва айни вақтда самаралироқ

ва ишончлироқ машиналар, асбоблар ва механизмлар яратилишининг регрессга ҳеч қандай алоқаси бўлмайти ва кўпроқ бунинг аксидан далолат беради.

Ҳаракат шакллари. Ҳаракат шаклларини таснифлашда қайси тамойилларга риоя қилинишига қараб бундай шаклларнинг ҳар хил миқдори фарқланади. Масалан, XIX асрда материя ташкил топишининг турли даражаларига асосланиб, материя ҳаракатининг беш асосий шакли: механик, физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий ҳаракат қайд этган.

Ҳаракатнинг мазкур шакллари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда ҳар бир кейинги ҳаракат ўзидан олдинги ҳаракатдан келиб чиқади, унга асосланади, бироқ, шунга қарамай, қуйи шакл билан боғланмайти. Ҳаракатнинг мураккаб шаклларини соддароқ шаклларга бундай боғлашга уринишлар фалсафа тарихида «механицизм», «редукционизм» (лот. гедисйо -ортга суриш) деган ном олган, ҳаракат ижтимоий шаклларини биологик шакллар даражасигача соддалаштириш биологизаторлик концепцияларида мавжуд.

XIX аср охирларида материянинг ҳаракат шакллари таснифи ишлаб чиқиляётганида, илмий давраларда фанларни таснифлашга нисбатан контча ёндашув шаклланган эди. Позитивизм асосчиси О.Конт ҳар бир фан предметини материя ҳаракатининг алоҳида шакли ташкил этиши, турли фанларнинг объектлари эса бир-биридан кескин фарқ қилишига ишончи комил эди (механика, физика, кимё, биология, социология ва ҳоказо). Мазкур мувофиқлик фанларни мувофиқлаштириш тамойили деб номланди. Бунда турли фанлар ўрганадиган объектлар бир-бири билан қандай боғланганлиги ва бир-бирига ўтишига эътибор берилди. Қуйидан олийга, оддийдан мураккабга сари юксалиб борадиган ҳаракатланувчи материянинг прогрессив ривожланиш жараёнини акс эттириш ғояси туғилди. Механика физика билан боғланиши ва унга ўтиши, физика кимёга, кимё биология ва ижтимоий фанларга ўтишини назарда тутувчи ёндашув (механика ®» физика ®» кимё

—® биология —® ижтимоий фанлар) субординация тамойили деб номланади. Дарҳақиқат, қаерга назар ташламайлик, биз ҳаракатнинг бошқа шакллариға мутлақо боғлиқ бўлмаган бирон-бир ҳаракат шаклини топа олмаймиз, ҳамма жойда бир ҳаракат шаклининг бошқа ҳаракат шаклиға айланиш жараёнларигина мавжуд. Материя ҳаракат шаклларининг ўзаро таъсири ва бир-бириға айланиши узлуксиз-узлукли жараёнида мавжуд бўлади.

Ўша даврда ноорганика соҳасига нисбатан татбиқ этилган (механик, физик, кимёвий) «энергия» тушунчаси фандан мустаҳкам ўрин олган эди. Аммо вақт ўтиши билан жонли ва жонсиз табиат ўртасида аниқ чегара бўлиши мумкин эмаслиги аён бўлди. Ўтувчи шакл ва жонли зиддият - вирус бунинг ёрқин далили бўлди. У органик муҳитға тушгач, ўзини худди тирик жисм сифатида тута бошлайди. Ҳолбуки, ноорганик муҳитда вирус ўзини бундай намоён этмайди. XIX асрда материянинг бир ҳаракат шакли бошқа ҳаракат шаклиға ўтиши олимлар томонидан башорат қилинган, деб айтиш мумкин, чунки бу давргача механик ва иссиқлик шакллари ўртасидаги ўтишларигина ўрганилган эди. Тез орада буюк кашфиётлар айнан фанлар туташган жойда, чегарадош соҳаларда юз бериши ҳақидаги тахмин ҳам диққатға сазовор бўлди.

Баъзи файласуфлар томонидан табиат ва жамиятни боғловчи шундай чегарадош соҳалардан бири ўрганилиб, антропосоциогенезнинг меҳнат билан боғлиқ назарияси таклиф қилинди. Ўз вақтида Дарвин инсон ва маймунни анатомик жиҳатдан қиёсий ўрганиш асосида инсоннинг соф ҳайвоний насл-насаби ҳақидаги хулосаға келган эди. Бошқалар эса ижтимоий омиллар ролиға, хусусан, инсон ва кишилик жамиятининг шаклланиши - антропосоциогенез жараёнида меҳнатнинг алоҳида ролиға баҳо бердилар. Бу асосда материянинг ҳаракат шакллари таснифлашнинг қуйидаги тамойиллари ишлаб чиқилган;

- материя ҳаракатининг ҳар бир шакли муайян моддий ташувчи билан боғлиқ бўлиши лозим;

- материянинг ҳаракат шакллари сифат жиҳатидан турлича ва ўзаро

боғланмайди;

- тегишли шарт-шароитларда улар бир-бирига айланади;

- материянинг ҳаракат шакллари мураккаблик даражасига кўра фарк қилади, олий шакл қуйи шакллар синтези сифатида тушунилади. Бунда олий шаклларнинг қуйи шакллардан узоқлашишига ҳам, олий шаклларнинг қуйи шаклларга механик боғланишига ҳам йўл қўймаслик муҳимдир;

- моддий тизимларнинг ҳар бир турида бош, олий ва иккинчи даражали ва қуйи шакллар фарқланиши лозим;

- материя ҳаракат шакллариининг таснифи фанлар таснифининг негизи ҳисобланади.

Материя ҳаракат шакллариининг таснифи: материя ҳаракатининг механик шаклини бошқа ҳар қандай шаклга кирувчи энг содда шакл сифатида;

- физика ўрганувчи иссиқлик, ёруғлик, электр кучини;

- кимёвий жараёнларни;

- органик ҳаётни қамраб олади. Улар табиатдаги асосий шакллар ҳисобланади. Улардан юқорида ижтимоий-тарихий жараён, материя ҳаракатининг ижтимоий шакли, шунингдек, фикрлаш жараёнлари туради.

Материя ҳаракати асосий шакллариининг келтирилган таснифи фан табиат ривожланишининг теран алоқаларини эндиgina аниқлай бошлаган XIX асрнинг саксонинчи йилларида яратилган эди. Ўша даврда ҳали кўп нарса номаълум, кўп нарсаларни аниқлаш лозим эди.

Материя ҳаракатининг хусусий шакллари асосий шакллар таркибига киради. Масалан, физик материя бўшлиқ, майдонлар, элементар зарралар, ядролар, атомлар, молекулалар, макрожисмлар, юлдузлар, галактикалар, метагалактикани ўз ичига олади.

Материя ҳаракатининг комплекс шаклларига астрономик (метагалактика - галактика - юлдузлар - сайёралар), геологик (планетар жисм шароитидаги материя ҳаракатининг физик ва кимёвий шаклларида иборат), географик (литосфера, гидросфера ва атмосфера доирасидаги материя

ҳаракатининг физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий шакллари ўз ичига олади) шакллар киради. Материя ҳаракати комплекс шакллариининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, уларда пировард натижада материянинг қуйи шакли — физик материя етакчилик қилади; геологик жараёнлар физик кучлар, чунончи, гравитация, босим, иссиқлик билан тавсифланади. Географик қонунлар физик ва кимёвий шартлар ҳамда Ер юқори қатламларининг ўзаро нисбатлари билан белгиланади.

Хулоса

Ҳаракат шакллариининг классификацияси ҳақида Ҳозирги замон олимлари материя ҳаракатининг техник, кибернетик ва информацион шакллари тўғрисида сўз юритмоқдалар. Бу масалалар кўп жиҳатдан баҳслидир. Аммо шу нарса шубҳасизки, объектив борлиқни янада чуқурроқ ўрганиш нафақат мавжуд таснифларнинг муфассаллашуви ва такомиллашувига, балки материя ҳаракатининг янги шакллари тўғрисидаги ғоялар ва назариялар пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Зеро, ҳар бир шакл бутун олам универсал ривожланиш жараёнининг имкониятларидан бирини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Ҳозирги замон методологияси нуқтаи назаридан материя ҳаракат шакллариининг оддий чизиқли жойлашуви тўғри эмас. У ҳар бир бўғинда иккига — ривожланишнинг асосий ва иккинчи даражали тармоқларига бўлиниши зарур. Биринчи - асосий тармоқ ривожланиш жараёнини келажакда мазкур сифат босқичи доирасидан ташқарига олиб чиқувчи шакллар вужудга келишидан далолат беради. Иккинчи тармоқ мавжуд ҳаракат шаклининг ривожланиш имкониятларини кўрсатади. Масалан, кимёвий бирикмалар органик ва ноорганик бирикмаларга ажрала бошлайди. Мазкур дивергенцияда (иккига бўлинишда) биринчи

-органик шакл имкониятли шакл сифатида ривожланиш жараёнини материя ҳаракатининг янги шакли - биологик шаклга олиб келади, имкониятсиз тармоқ ҳисобланган иккинчи шакл биз яшаётган замин, унинг қобиғ ва юзасини тавсифлайди. Материя ҳаракатининг биологик шакли даражасида ўсимликларнинг қуйидан олийга ривожланиши имкониятсиз тармоқ сифатида қаралиши мумкин, чунки бу ривожланиш жараёни ўз табиати чегараларидан четга чиқишигача олиб келмайди. Ҳайвонларнинг ривожланиши сифат жиҳатидан янги объект — инсон пайдо бўлгунгача давом этади. Бу материя ҳаракатининг сифат жиҳатидан бошқа шакли вужудга келганидан далолат беради. Материя ҳаракатининг ҳар бир шаклида макро ва микродаражаларни фарқлаш, шунингдек, умумий ҳамда хусусий қонуниятларни билиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Фалсафа асослари. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005
2. Фалсафа Мамашокиров С. таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005
3. Фалсафа асослари Ахмедова М. таҳрири остида. -Т.: УФМЖ, 2005
4. Фалсафа қомусий луғат Назаров Қ. таҳрири остида. -Т.: Шарқ 2005
5. Бейли Алиса. От интеллекта к интуиции. -М.: 2002.
6. Бескова И.А. Эволюция и сознание: новый взгляд. -М.: 2002.
7. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному. Новая онтология XX века. М., 1997.
8. Фидченко Е.В. Коммуникативное действие в гуманитарном познании: Философско-методологический анализ : автореферат дис. ... кандидата философских наук : 09.00.01 / Моск. пед. гос. ун-т. Москва, 2003. Фалсафа Мамашокиров С. таҳрири остида. —Т.: Ўқитувчи, 2005.
9. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия: Учебник для вузов. 3-е изд. -М.: 2006.
10. Бейли Алиса. От интеллекта к интуиции. -М.: 2002. 11. Бескова И.А. Эволюция и сознание: новый взгляд. -М.: 2002. 12. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному. Новая онтология XX века. - М.:1997. 13. Губин В.Д. Онтология. Проблема бытия в современной европейской философии. -М.: 1998. 14. Дубровский Д.И. Проблема идеального: Субъективная реальность. -М.:, 2002.
11. Хайдеггер М. Бытие и время: пер. с нем. 2-е изд., испр. -СПб., 2002.
16. Басов В. Бытие и развитие. -М.: ИНТРАФ, 2005
12. П.П.Нрин А.Г. Природная среда (социально-философский анализ). -М.: 2004. 18. Современные глобальные изменения природной среды: в 2 т. / Отв. ред. Н.С.Касимов. -М.: 2006.